

ЎЗБЕКИСТОНДА COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ



Жўраева Феруза Жумакуловна

E-mail: juraeva_feruza@mail.ru

Аннотация: Илмий мақолада республикамизда туризмни ривожлантиришда инновацияларни қўллашнинг аҳамияти, шу орқали туризм инфратузилмасини такомиллаштириш, амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш асосида ривожланиш йўналишларини белгилаб олиш бўйича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Калит сўзлар: туризм, турист, қўмита, иқтисодиёт, инновация, инфратузилма, COVID-19, корхона, турмаҳсулот, ресурс.

Abstract: The scientific article describes the importance of the use of innovations in the development of tourism in the country, thereby improving the tourism infrastructure, proposals and recommendations for determining the direction of development on the basis of analysis of ongoing work.

Key words: tourism, tourist, committee, economy, innovation, infrastructure, COVID-19, enterprise, tourism product, resource

Кириш

Мамлакатимиз туризми охириги йилларда, яъни 2017 йилдан бошлаб барқарор ўсишга эришиб келмоқда эди. Бу мувофақиятларнинг негизида Президентимиз томонидан 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666-сонли “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги [1], 2018 йил 6 февралдаги, ПҚ-3510-сонли “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги [2], 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611 сонли “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги [3] қабул қилган фармон ва қарорларининг ижроси таъминлаш орқали эришилаётган эди. Аммо республикамиз туризмдаги барқарор ривожланишга 2019 йилнинг охирида юзага келган COVID-19 пандемияси келтирган муаммолар қаттиқ таъсир қилди.

Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра COVID-19 пандемияси таъсири натижасида 2020 йил якунлари бўйича халқаро саёҳатлар 90%га, иш ўринлари 80 млн. тага қисқариши, соҳадаги жами йўқотишлар 1 трлн. АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда¹. Шу сингари, 2020 йил 16 мартдан мамлакатимиз ташқи ва ички туристлар учун ёпилган эди. Оқибатда 1,5 мингдан ортиқ туроператор, 1,2 мингта меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди. Булар, гидлар, миллий ҳунармандчилик, зиёратгоҳ ва сиҳатгоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан қўшиб ҳисоблаганда 250 мингдан ортиқ аҳоли даромадига жиддий таъсир қилди.

Пандемиянинг оқибатларини юмшатиш ва соҳада янгича ишлашни жорий қилиш учун инновациялардан кенг фойдаланишни ўрганиш зарур. Туризмда инновацияларни қўллаш орқали мамлакатимизда қўшимча иш ўринларини яратиш,

¹www. UNWTO

иқтисодийни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш каби энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазибаларни яқин истиқболда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлган изчил чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, туризм соҳасидаги инновацион ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан қатор хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли келишув ва шартномалар тузишни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Туризмда инновацияларни қўллаш, ривожлантириш ва унинг инфратузилмасини модернизация қилишга бағишланган кўплаб илмий ишлар мавжуд бўлиб, уларда туризмга инновацияларни жорий қилиш жараёнлари турлича талқин қилинган ва таърифланган, лекин уларнинг ҳар биттасида инновацияларни қўллаш орқали туристик хизматлар сифатини оширишга йўналтирилганлиги асосий аҳамиятга эга. Биз мазкур хулосаларга асосланиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб, бу борада айрим муаллифларнинг фикри ва мулоҳазаларини таҳлил қилиб, уларнинг натижаларини умумлаштириб, туризмда инновацияларни қўллашнинг аҳамияти тўғрисидаги мулоҳазаларимизни қисқача баён қиламиз.

Кармен Бабита, Габриел Сипос, Андреа Испаслар “Leadership style and culture for innovation in hotel industry” номли асарида меҳмонхона индустриясида инновацияларни қўллаш борасида тадқиқотлар олиб борган бўлиб, тадқиқотлар Руминиядаги Тимашора шаҳридаги меҳмонхоналарда ўтказилган. Унда асосан меҳмонхоналарда инновацияларни қўллаш орқали самарадорликни оширишга қаратилган [4]. Яна бир хорижлик олим Артура Кунлас томонидан чоп этилган “Innovation in hospitality management” –деб номланган асарда меҳмонхоналарда инновацион бошқарув усулларини қўллаш орқали самарадорликка эришиш устида тадқиқотлар олиб борган [4]. Муаллифлар асосан инновацияларни меҳмонхоналар фаолиятида қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борган бўлиб, соҳанинг бошқа тармоқларида инновацияларни жорий қилишга етарлича эътибор қаратмагандир.

Шу сингари мамлакатимиз тадқиқотчиларидан А.Н. Норчаев ўзининг илмий тадқиқотлари натижасида Ўзбекистон туризмида инновацион технологияларни қўллашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш борасида бир қатор тавсияларни ишлаб чиққан бўлиб, асосий йўналиш сифатида туризм инфратузилмасини такомиллаштиришда инновацион-технологияларни қўллаш, туризмда кластерларни ташкил қилишда инновациялардан фойдаланиш бўйича изланишлар олиб борган [6].

Таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда туризм соҳасида инновацияларни жорий қилиш борасида кўплаб муаллифлар ўртасида ягона тушунча мавжуд эмас. Фикримизча бу борада ҳали олиб борилиши керак бўлган тадқиқотларнинг кўлами кенг бўлиб, туризмни ривожлантиришда ва туристик хизматларни такомиллаштиришда инновациялар жорий қилишда халқаро тажрибаларни ҳам ҳисобга олишимиз лозим.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда республикамиз туризми ривожланишини белгилашда яқин йилларда кутилаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва туризмда инновацияларни қўллаш жараёнларини ўрганиш методологияси қўлланилиб, бу борада мутахассислар фикрини ўрганган ҳолда, кузатиш, қиёслаш, эмперик тадқиқот, қиёсий таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш каби усуллари орқали туризмда инновацияларни қўллашнинг самарали йўналишларини белгилаб бериш усули таклиф этилгандир. Шунингдек, республикамиз туризми ривожланиши йўналишларининг устивор вазифаларига оид хулосалар қилинган ва инновацияларни босқичма-босқич қўллаш жараёнларига оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

COVID-19 пандемиясининг таъсири натижасидареспубликамиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларда структуравий ўзгаришларни амалга ошириш, жаҳондаги бўлаётган ўзгаришларга мувофиқлаштиришни талаб қилмоқда. Айниқса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янгилик киритиш ва инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш жараёни бўйича бир қатор муаммолар пайдо бўлмоқда. Пандемия бошланган биринчи кунлардан энг катта зарар кўришни бошлаган ҳаво транспорти, меҳмонхоналар, умумий овқатлантириш (кафе, ресторан, барлар) корхоналари ҳам ўз фаолиятини тиклаш учун маълум вақтни ва муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларга мослашиш учун мамлакатимизда туризми структурасини тубдан ўзгартириш ва зудлик билан мавжуд шароитга мослаштириш лозим. Туризмқўмитаси пандемия шароитида тезкор қарорлар қабул қилиши ва масъул ташкилот сифатида янги қоидалар бўйича иш олиб бориши керак. Пандемиядан сўнг жаҳон туризми бутунлай бошқача шаклда қайта тикланиши кутилмоқда. Туризмга рақобатнинг кутилмаган кўринишлари кириб келиши, олинги иш услубини ўзгартиришни талаб этади.

Ўзбекистонга 2020 йилнинг биринчи чорагида (январь-март ойлари) туризм мақсадида ташриф буюрган хорижий фуқаролар сони 1,2 миллион кишини ташкил қилди. Мазкур кўрсаткич 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 12,0%га камайган². Таҳлилларга кўра ташриф буюрган сайёҳларнинг 87,9%и қариндош-уруғларини зиёрат қилишга, 9,3%и саёҳатга, 1,2%и даволаниш ва соғлиғини тиклаш учун, 0,7%и иш юзасидан, 0,6%и хизмат сафари билан, 0,3%и ўқиш бўйича келганлигини кўрсатади.

Ташриф буюрганларнинг МДҲ мамлакатларидан келганлар сони 1,16 млн. кишини (95,6 фоиз), узоқ хорижий давлатлардан келганлар эса 53,6 минг кишини (4,4 фоиз) ташкил қилган³.

Мамлакатимизга келган хорижий фуқароларнинг энг кўпи қўшни Қозоғистон Республикасидан ташриф буюрган бўлиб, уларнинг сони 397,6 минг кишини ташкил қилган. Шунингдек, Тожикистон Республикасидан 332,7 минг киши, Қирғизистондан 298,1 минг киши, Россиядан 64,7 минг киши, Туркменистондан 60,6 минг киши, Озарбайжондан 2,0 минг киши ва Беларусдан 1,2 минг киши келган.

²Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари www.stat.uz

³Ўша манба.

Узоқ хориждан келган оқимнинг асосий қисми Туркиядан 13,5 минг, Жанубий Кореядан 5,2 минг, Хитойдан 3,7 минг, Ҳиндистондан 3,6 минг, Япониядан 1,3 минг киши ва Франциядан 0,9 минг кишини ташкил қилган.

1-жадвал

Ўзбекистонга 2020 йилнинг биринчи чорагида ташриф буюрган хорижлик турислар⁴

Яқин қўшни ва МДҲ давлатлари	Туристар сони (минг киши)	Узоқ хориж давлатлари	Туристар сони (минг киши)
Қозоғистон	397,6	Туркия	13,5
Тожикистон	332,7	Жанубий Корея	5,2
Қирғизистон	298,1	Хитой	3,7
Россия	64,7	Ҳиндистон	3,6
Туркманистон	60,6	Япония	1,3
Озарбайжон	2,0	Франция	0,9

Ташриф буюрган хорижий фуқароларнинг асосий таркибий қисмини 31-55 ёшдагилар ташкил қилган бўлиб, уларнинг умумийдаги улуши 53,1%га етган. Шунингдек, 19-30 ёшдагилар 19,5%ни, 56 ёшваунданкатталар 19,4%ни, 0-18 ёшоралиғидагилар 8%ни ташкил қилган⁵.

Юқоридаги маълумотларнинг кўрсатишича пандемия туфайли Ўзбекистонга энг кўп келувчи хорижий сайёҳларнинг асосий икки тоифаси оқими кескин камайди.

Шу пайтгача Ўзбекистонга келадиган сайёҳларнинг катта қисми 45-75 ёшдагилар эди ва уларнинг коронавирусга чалиниш эҳтимоли юқори бўлганлиги, ундан ташқари, бундай тоифадаги сайёҳлар аксар ҳолларда Ўзбекистонга яқка эмас, гуруҳ бўлиб саёҳат қилиши бир қатор муаммоларни ечишни талаб қилади.

Бу каби муаммоларни пандемия шароитида туризмдаги турли хил мулк шаклида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг фаолиятига инновацияларни кенг жорий қилиш орқали ечим топиш мумкин. Шу билан биргаликда яна бир муаммо борки, корхоналар инновацияларни қўллашда ҳамбир қатор қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Корхоналар ўз фаолиятларида инновацияларни қўллашдаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирсаларда, маълум ҳолатларда қийин шароитга тушиб қолиш эҳтимоли кўп учрайди. Чунки инновацияларни қўллаш ҳар қандай корхонада амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун инновацияларни амалга ошириш айрим корхоналар фаолиятидагина кузатиш мумкин. Масалан, корхоналар янгилик жорий этиш жараёнида, хориждан инвестициялар жалб этиш ва рақобатдош маҳсулот чиқариш борасида ҳал этилмаган масалалар ва вазифаларга дучор бўлиб, уларни ечимини топишга интиладилар.

Корхоналарнинг инновацияга сарфлаган маблағлари рақобатнинг янги кўринишини шакллантиради. Бу ҳолат янги маҳсулот, янги технология, умуман бирор бир янгиликка, устунликка эга бўлганда содир бўлади. Натижада бошқа корхоналар тинч яшашига ҳалақит бера бошлайди. Чунки инновация асосида фаолият кўрсатаётган рақиб бошқалардан сакраб-сакраб олдинга кетиб қолади ва ўз соҳасида монополистга айланиши мумкин.

⁴Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари www.stat.uz

⁵Ўша манба

Инновацияларни қўллашда давлат стратегиясига хос бўлган бир қатор умумий хусусиятларини санаб ўтиш мумкин:

-илмийтадқиқотларнингдавлаттомониданмолияланиши;

-солиқ ва аммортизатсия сиёсатига мос ҳолда ривожланган контракт тизими ёрдамида бизнесга илмий тадқиқотлар учун таъсир ўтказиш;

-университетлар ва давлат илмий марказларида умуммиллий аҳамиятга эга илмий тадқиқотларни ўтказиш;

-таълимтизиминимолиялашваташкилийтакомиллаштириш, айниқса, юқорималакаликадрлартайёрлаш;

-илмий-техник маълумотларни тарқатиш тизиминияна даривожлантириш.

Юқорида санаб ўтилган давлат томонидан инновация соҳаси стратегиясининг умумий томонларини у ёки бу даражада амалга ошириш мумкин. Бу ўринда албатта, илгаритўпланган тажриба, анъана ва ҳукуматнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Инновацияларни корхоналар тўғридан-тўғри жорий қила олмайди. Инновацияларни жорий қилишга ҳам пухта тайёргарлик ишларини олиб бориш керак. Шу сингари туризм соҳасида ҳам бизнинг фикримизча инновацион жараёнларни амалга оширишда қўйидаги босқичларда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи босқичда, илгари сурилаётган ғояларни бир тизимга келтириш. Бу босқичда инновацион ғояларни амалда қўллаш имкониятлари аниқланади. Бунда бир неча муқобил вариантлар юзага келиши табиий. Улардан энг мақбул варианты танланади. Янги туристик маҳсулотнинг давлат имиджига ва инфратузилмага, туризмни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ келиши аниқланади.

Иккинчи босқичда, аниқланган ғояларни танлаш ва инфратузилмани ривожлантириш ғояларини ишлаб чиқарилади. Бунда қуйидагиларга эътибор бериледи:

- бозорда технологик ўзгаришлар ҳақида ахборот тўплаш;

- турмаҳсулотни ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш муносабатларида инфратузилманинг имкониятлари ҳақида ахборот тўплаш;

- таваккалчилик даражаси ва меъёрларини белгилаш.

Учинчи босқичда янги турмаҳсулотнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш, маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш керак. Маркетинг янги маҳсулотни юзага келиши учун ёрдам берадиган соҳа ҳисобланади. Бу босқичда эътибор қаритиладиган жиҳатлар қуйидагича:

- ғоя аниқ лойиҳа кўринишига ўтганда турмаҳсулотни техник жиҳатдан ишлаб кўриш;

- турмаҳсулотнинг техник-иқтисодий тавсифини аниқлаш, унинг истеъмол хусусиятларини ва сифатини баҳолаш;

- савдо ҳажми ва бозорнинг потенциал (яширин) талабини баҳолаш;

- янги турмаҳсулотни яратиш ва ўзлаштиришдаги ҳаражатларни (инвестицияларни) аниқлаш;

- машина ва технологик иншоотлар, хомашё ва материаллар, персонал кадрлар, молиявий манбалар;

- янги турмаҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги (фойдалилиги)ни баҳолаш ва таҳлил этиш, маҳсулот бўйича маркетинг дастурларини ишлаб чиқариш.

Тўртинчи босқичда туристик бозорда тест ўтказиш жараёни кўриб чиқилиши лозим:

- чекланган бозорда уч ой мобайнида нарх ва бошқа тижорат муҳитлари (нархлардан чегиртмалар тақдим этиш, кредитлар ва бошқалар) бўйича ўтказиш;
- турмаҳсулотни тарқатишнинг (сотишнинг) мақбулканалларинитанлаш;
- реклама услубларивавоситаларинитанлаш ва бошқалар.

Бешинчи босқичда тураҳсулотни сотиш бўйича маркетинг дастури асосида янги ишлаб чиқилган турмаршрутни фойдаланишга жорий этиш ҳақида қарор қабул қилиш (оммавий, кенг кўламда) амалга оширилади.

Бу босқичда турмаҳсулот яратиш жараёни бошланиб, турмаршрутни (хизматларни) ишлаб чиқариш амалга оширилади. Бу босқичда асосий бажариладиган ишлар қуйидагилардан иборат бўлади:

- инновацияни тижорий асослаш, яъни савдо ҳажми, турмаҳсулот рентабеллиги, талаб ва эҳтиёжларни қондириш даражаси, сотиш услуги ва каналлари;
- турмаҳсулотларни сотишда тажрибанинг мавжудлиги, бозордаги машҳурлик, ҳаридор ва истеъмолчилар билан турғун алоқалар;
- туристик ресурслардан самарали фойдаланиш ва турмаршрутларни ишлаб чиқариш имкониятлари, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, ресурслар ва малакали кадрлар билан таъминланганлик;
- турмаҳсулотни меъёрий кўрсаткичларга, стандартларга ва давлат меъёрларига мувофиқлаштириш;
- турмаҳсулотларни патент ҳимоясини таъминлаш.

Агар юқоридаги босқичлар мувофақиятли амалга оширилса, ҳар қандай туристик корхона инновацияни жорий этганда бозорга кириб боради ва максимал фойда олишга киришади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2016 йил 2 декабрь, ПҚ-2666-сон.
2. “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2018 йил 6 февраль, ПҚ-3510-сон.
3. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 05 январь, ПФ-5611 сон.
4. Carmen Babaita, Gabriela Sipos, Andreia Ispas, Andrea Nagy. Leadership style and culture for innovation in hotel industry. Economic Department-Tourism Services. West University of Timisoara, Faculty of Economics and Business Administration Timisoara Romania. 2010 y. – p 650
5. By Arturo Cuenllas. Innovation in hospitality management. Madrid. Spain. 2012 y. – p 45.
6. Норчаев А.Н. Туризмда рақамли инновацион технологияларни жорий қилиш йўналишлари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil.
7. www. stat.uz.
8. www. uzbektourism.uz